

Received: 10 September 2026 Accepted: 13 September 2026 Published: 15 September 2026

Vol. 4 • No. 9 • 2026

МАЪМУРИЙ СУД ТОМОНИДАН МАЪМУРИЙ ДАЪВО БЎЙИЧА ДАСТЛАБКИ ҲИМОЯ ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ЗАРУРАТИНИ ИСБОТЛАШ ЧОРАЛАРИ

Остонов Асрор Абдулла ўғли

Ўзбекистон Республикаси

Транспорт вазирилик ходими

DOI: 10.5281/zenodo.22761479

ABSTRACT: Мазкур мақола орқали маъмурий суд иш юритувининг бир қисми ҳисобланган дастлабки ҳимоя чорасини қўллаш асослари ва заруратининг ўзига ҳос жиҳатларини очиб берилади. Судлар томонидан мавжуд ҳавфни баҳолаш ва хорижий тадқиқотчиларнинг илмий ишлари таҳлил қилинади.

Keywords: Маъмурий суд, дастлабки ҳимоя чоралари, таъминлов чоралари, маъмурий суд иш юритуви муаммолари, дастлабки ҳимоя чораларининг аҳамияти

Маъмурий суд ишларини юретишнинг асосий мақсади фуқаролар ва юридик шахсларнинг давлат органлари ҳамда бошқа маъмурий субъектлар билан муносабатларида бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали суд орқали ҳимоя қилишдан иборат.

Маъмурий низоларнинг ўзига ҳос хусусияти шундаки, низонинг бир томонида, одатда, давлат ваколатига эга бўлган маъмурий орган ёки мансабдор шахс иштирок этади. Шу сабабли суд якуний қарор қабул қилгунига қадар низолашилаётган маъмурий ҳужжатнинг ижро этилиши ёки муайян ҳаракатларнинг амалга оширилиши аризачининг ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бундай ҳолатда кейинчалик қабул қилинадиган суд ҳужжати аризачининг ҳуқуқини расман тиклаши мумкин бўлса-да, амалда етказилган зарарни тўлиқ бартараф этиш қийин ёки имконсиз бўлиб қолиши эҳтимоли мавжуд. Шу нуқтаи назардан дастлабки ҳимоя чоралари маъмурий судловнинг муҳим процессуал кафолатларидан бири ҳисобланади.

Маъмурий суд ишларини юретиш тўғрисидаги кодекснинг 92-моддасига мувофиқ, ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра ёки суднинг ўз ташаббуси билан дастлабки ҳимоя чоралари қўлланилиши мумкин.

Бунинг учун, биринчи навбатда, маъмурий ишни кўриш якуни бўйича суд ҳужжати қабул

қилингунига қадар аризачининг ёки манфаатларини қўзлаб ариза берилган шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишининг аниқ хавфи мавжуд бўлиши лозим.

Иккинчи мустақил асос сифатида аризачининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини дастлабки ҳимоя чораларини кўрмасдан туриб ҳимоя қилиш мумкин бўлмаслиги ёки бундай ҳимоянинг қийинлашиши назарда тутилган.

Шу тариқа, қонун дастлабки ҳимоя чораларини қўллашда икки асосий мезонни (зарурат) белгилайди – **ҳуқуқ ёки қонуний манфаат бузилишининг аниқ хавфи, дастлабки ҳимоя чорасиз самарали ҳимоя қилишнинг мумкин эмаслиги ёки қийинлиги.**

Дастлабки ҳимоя чораларини қўллашнинг яна бир алоҳида муҳим жиҳати ушбу процесс маъмурий иш қўзғатилгундан кейин юзага келади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Пленумининг 2018 йил 19 майдаги “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 15-сон қарори 14-бандида маъмурий иш қўзғатилгунга қадар суд дастлабки ҳимоя чораларини қўллашга ҳақли эмаслигига алоҳида эътибор қаратилган.¹

Дастлабки ҳимоя чораси маъмурий даъвонинг ўзини ҳал қилмайди. Унинг мақсади низонинг мазмуни бўйича якуний қарор қабул қилингунига қадар мавжуд ҳуқуқий ҳолатни сақлаб туриш ва келгусида қабул қилинадиган суд

¹ <https://lex.uz/ru/docs/3761216>

хужжатининг реал ижросини таъминлашдан иборат.

Шу сабабли аризачи судга фақат **“менинг ҳуқуқим бузилиши мумкин”** деган умумий баёнот билан мурожаат қилмаслиги лозим. Аризачи хавфнинг нимадан иборат эканлигини, қачон юзага келиши мумкинлигини, кимнинг ҳаракати натижасида вужудга келишини, қандай ҳуқуқ ёки манфаатга таъсир қилишини, қандай оқибатларга олиб келишини ва кейинчалик ушбу оқибатларни бартараф этиш нима учун қийин ёки имконсиз бўлишини аниқ кўрсатиши керак.

Дастлабки ҳимоя чораси тўғрисидаги аризада икки босқичли асослаш модели қўлланиши мақсадга мувофиқ:

биринчи босқич — асосий талабнинг ҳуқуқий ва фактик асослари;

иккинчи босқич — айнан ҳимоя чораси қўлланмаса юзага келадиган хавф ва унинг оқибатлари.

Маъмурий даъво бўйича суд томонидан дастлабки ҳимоя чоралари қабул қилинишининг зарурлиги, ўз вақтидалиги, фойдалилиги, аризачи учун муҳимлигини тасдиқловчи ҳолатларни исботлаш маъмурий ва бошқа жамоат-ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишларнинг хусусияти ва ҳуқуқий табиати билан боғлиқ ўзига хос жиҳатларга ега.

Даъвогар (аризачи) судга дастлабки ҳимоя чораларини белгиланиши учун асослар мавжудлигини тасдиқловчи далилларни тақдим этади, бошқа томондан эса суд маъмурий даъвони таъминлаш зарурлиги тўғрисида даъвогар томонидан билдирилган талабларни аниқлаш учун чоралар кўради.²

Шундай қилиб, дастлабки ҳимоя чоралари қабул қилиниши тартиби таъминлов чораларини қабул қилиш асосларининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига оид фактик ҳолатлар, яъни далиллиарни баҳолаш зарурлигига асосланади.

Маъмурий суд иш юритуви тўғрисидаги кодекснинг (кейинги ўринларда МСИЮтК) 65-моддасига кўра, далиллар иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш имконини берувчи фактлар ҳақидаги маълумотлардир. Улар ёзма, ашёвий, электрон ва рақамли далиллар, эксперт хулосалари, гувоҳ кўрсатувлари ва бошқа процессуал манбалар орқали аниқланиши мумкин.

МСИЮтК 66-моддаси исботлашни иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёни сифатида белгилайди. МСИЮтК 67-моддага кўра, ишда иштирок этувчи шахслар ўз талаблари ёки эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Бироқ маъмурий органнинг қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан

низолашилганда уларнинг қонунийлигини исботлаш мажбурияти тегишли маъмурий орган ва мансбдор шахс зиммасига юклатилади.

Шундан келиб чиқиб, дастлабки ҳимоя чорасини сўраётган аризачи, аввало, чора кўрилмаса юзага келадиган хавфни асослаши керак. Далил сифатида низолашилаётган маъмурий ҳужжат, ижро ҳужжатлари, огоҳлантириш хатлари, шартномалар, кадастр ҳужжатлари, лицензиялар, электрон маълумотлар, фото-видео материаллар, расмий ёзишмалар ва бошқа материаллар тақдим этилиши мумкин.

Суд маъмурий даъво бўйича у ёки бу дастлабки ҳимоя чорасини қўллаш зарурлиги тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш жараёнида дастлабки ҳимоя чораси белгиланиши тўғрисида ажрим чиқаришнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлигини исботловчи ҳолатларни аниқлашга мажбурдир.

Маълумки, бир томондан, аризачи судга дастлабки ҳимоя чорасини белгиланиши учун асосларнинг мавжудлигини (ҳақиқатда мавжудлигини) тасдиқловчи далилларни тақдим этади, бошқа томондан эса суд маъмурий даъвони таъминлаш зарурлиги тўғрисида даъвогар томонидан билдирилган талабларни аниқлаш учун чоралар кўради.

Шундай қилиб, дастлабки ҳимоя чораси қабул қилиниши тартиби таъминлов чораларини қабул қилиш асосларининг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига оид фактик ҳолатларни аниқлаш зарурлигига асосланади.

Аризачи суд томонидан дастлабки ҳимоя чораси қабул қилиниши учун асослар мавжудлигини исботлаши лозим. Суд маъмурий даъво бўйича у ёки бу дастлабки ҳимоя чораси қўллаш зарурлиги тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш жараёнида дастлабки ҳимоя чораси белгиланиши тўғрисида ажрим чиқаришнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлигини исботловчи ҳолатларни аниқлашга мажбурдир.

Юқоридагиларга асосан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин. Биринчидан, суднинг даъвони таъминлаш чораларини қабул қилиш тартиби судьяларнинг қуйидаги фактларни исботлаш билан боғлиқ таҳлилий (баҳоловчи) фаолияти билан бойитилган бўлиши керак:

биринчидан, даъвони таъминлаш чораларини қабул қилиш тўғрисидаги аризани қондирмай қолдириш келажакда иш бўйича якуний қарорнинг ижро этилишини сезиларли даражада қийинлаштириши ёки бевосита унинг имконсизлигига сабаб бўлиши мумкинлиги.

иккинчидан, даъвода билдирилган талабларнинг тегишли ариза ёхуд даъво аризасининг ўзида асосланадиган таъминлов

² Bonner A.T. Fuqarolik va arbitraj protsessida bilvosita dalillar: nazariya va amaliyot muammolari // Закон. 2018. № 4. В. 39–55;

чораларига мутаносиблиги тамойилига риоя қилиш ва уни ҳисобга олиш лозим.

Шу билан бирга, исботлаш жараёнида мавжуд исботлаш манбаларидан ва умуман исбот аҳамиятига эга бўлган ахборотдан иложи борича тўлиқроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

учинчидан, суднинг даъвони таъминлаш чораларини қўллаш масаласини тўғри ҳал этишига кўмаклашувчи муҳим омил даъво талабларининг лозим даражада асосланганлигини тасдиқловчи ҳолатларнинг етарлилигини ҳисобга олиш тамойилидир. Бошқача айтганда, суд таъминлов чораларини қабул қилиш (ёки қабул қилишдан бош тортиш) тўғрисида қарор қабул қилиш учун ажратилган вақт чекланганига қарамай, маълум даражада келажақда қабул қилинадиган якуний суд қарорининг вариантларини башорат қила олади.

Шубҳасиз, ҳар бир аниқ ишда суд муҳокамасининг энг дастлабки босқичларидаёқ иш бўйича келажақдаги қарорнинг моҳиятига нисбатан “ишонч” ҳосил қилиш қийин, чунки бундай шароитда баҳсли ҳуқуқий муносабатларнинг мазмуни, иш бўйича далиллар тизими, ишни суд томонидан кўриб чиқишнинг бошқа ҳолатлари тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш деярли мумкин эмас.

Шу билан бирга, тадқиқотчиларнинг фикрича, ҳатто дастлабки босқичдаёқ даъво аризасида билдирилган, таъминлов чораларини қўллаш тўғрисидаги аризада зикр этилаётган судлов таъминоти зарур бўлган талабларга бирламчи баҳо бериш мумкин.³

Маъмурий иш тоифасининг ўзига хос жиҳатларини, шунингдек маъмурий даъво аризаси бериш босқичида даъвогар учун суд қарорининг ижро этилмаслиги ёки лозим даражада ижро этилмаслиги хавфи мавжудлигини тасдиқловчи далиллар мажмуасини тақдим этиш қийин бўлган фактни ҳам ҳисобга олиш зарур.

Шу билан бирга, мажбурий тўловлар ва санциялар бўйича қарздорликнинг мавжудлиги бир қатор ҳолларда қарорнинг ижро этилишида мумкин бўлган қийинчиликлар ва қарздорнинг мажбуриятларини инсофли тарзда бажармаслик эҳтимоли ҳақида аллақачон далолат бериши мумкин.

Дастлабки ҳимоя чоралари қўлланилиши учун асослар мавжудлигини тасдиқловчи далиллар сифатида, жавобгарнинг доимий иш жойи йўқлиги ёки у учун тегишли фондларга ажратмалар амалга оширилмаётгани тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилиши мумкин.

Бу ерда суд томонидан қўлланилиши мумкин бўлган дастлабки ҳимоя чораларини тури сифатида жавобгарнинг мол-мулкни ёки пул маблағларини хатлаши тарзидаги дастлабки ҳимоя чоралари қўлланилиши мумкин.

МСИЮтКнинг 92-моддасида қайд этилган **“аниқ хавф”** тушунчаси дастлабки ҳимоя чораларини қўллашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Аниқ хавфни тахминий ёки мавҳум хавфдан фарқлаш зарур.

Бироқ, МСИЮтКда **“аниқ хавф”** тушунчасининг мазмуни батафсил очиб берилмаган, яъни **“ҳимоя қилиш мумкин эмас ёки қийин”** деган мезоннинг аниқ баҳолаш стандартлари мавжуд эмас.

Тадқиқотчилар томонидан дастлабки ҳимоя чорасида юзасидан турли ҳил таърифлар берилган.

Хусусан, британиялик таниқли ҳуқуқшунос олим Паул Краиг, “дастлабки ҳимоя чораси” ва **“аниқ хавф”** масаласида Европа Иттифоқида ҳуқуқидаги дастлабки ҳимоя (interim measures) суднинг якуний қарори чиқишидан олдин ҳуқуқий ҳимояни самарали сақлаб қолиш механизми сифатида таҳлил қилади.⁴

Венгриялик, Матҳиас Корвинус Коллегиум халқаро ҳуқуқ маркази раҳбари ва Karoli Gaspar университети доценти Ленард Сандор **“Европа судларининг дастлабки ҳимоя чоралари: қийёсий нуқтаи назар”** (Interim Measures of European Courts in a Comparative Perspective) номли мақоласида эса дастлабки ҳимоя чоралари анъанавий равишда процессуал ҳуқуқда камтарона, аммо ажралмас ўринни эгаллаб келганлигини, улар асосан ёрдамчи хусусиятга эга бўлиб, ишнинг моҳияти бўйича кўриб чиқилишига даъвогарларнинг (шахсий) манфаатларини ҳимоя қилувчи вақтинчалик процессуал кафолатлар вазифасини бажаради таъкидлайди.⁵

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда дастлабки ҳимоя чорасини қўллаш учун қуйидаги омиллар мавжудлигига алоҳида эътибор қиратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

хавф мавҳум ёки тахминий эмас, муайян ҳуқуқ ёки манфаатга тааллуқли бўлиши керак;

хавф фақат назарий эҳтимол эмас, мавжуд ҳолатлардан келиб чиқиши лозим;

хавф шахснинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир қилиши керак;

хавф юзага келгандан кейин эмас, унинг оқибатларини олдиндан бартараф этиш зарурати ҳам бўлиши мумкин.

³ Селкова А.А. Таъминлов чораларини қўллашда исботлашнинг айрим жиҳатлари // Арбитраж ва фуқаролик протсессии. 2018. № 3. Б. 35–37.

⁴ Paul Craig, **“Remedies I: EU”**, in *EU Administrative Law*, 3rd ed., Oxford University Press,

2018, pp. 722–757. DOI: 10.1093/oso/9780198831655.003.0024.

⁵ Sándor, L. (2026). *Interim Measures of European Courts in a Comparative Perspective*. CEAClaw. <https://doi.org/10.63189/METI1811>

Бундан ташқари, дастлабки ҳимоя чораси қўлланилиши натижасида жавобгарга ёки бошқа шахсларга етказилиши мумкин бўлган зарарни қоплаш масаласи ҳам аниқ тартибга солинмаган.

Мазкур механизм Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги ПҚ-33-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш концепсиясида маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш концепсиясида ҳам дастлабки ҳимоя чораларини қўллаш тартиби ва асосларини такомиллаштириш, ушбу чора натижасида етказилган зарарни қоплаш, чорани бекор қилиш ва уни қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатларни белгилаш масалалари алоҳида вазифа сифатида белгиланган.

Лекин, бугунги кунга қадар маъмурий суд иш юритувида дастлабки ҳимоя чораси қўлланилиши натижасида жабрланувчига етказилиши мумкин бўлган зарарни қоплаш масаласи ҳал этилмаган.

Иқтисодий ҳамда фуқаролик суд жараёнларида дастлабки ҳимоя чораси қўлланилиши натижасида жабрланувчига етказилиши мумкин бўлган зарар масаласи аниқ баён этилган.

Хусусан, Иқтисодий процессуал кодекснинг 100-моддасида даъвои рад этиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин жавобгар даъвогардан даъвои таъминлаш туфайли ўзига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни ўша судда даъво тақдим этиш йўли билан талаб қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Фуқаролик процессуал кодекснинг 115-моддасида эса суд даъвои таъминлаш билан бирга даъвогардан жавобгарга етказилиши мумкин бўлган зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилиши мумкинлиги қайд этилган.

Россия Федерацияси Арбитраж процессуал кодексининг 98-моддасида жавобгар даъвои рад қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин даъвогардан даъвогарнинг илтимосномасига кўра даъвои таъминлаш бўйича кўрилган чоралар натижасида ўзига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Қозғоғистон Республикасининг Маъмурий процедура-процессуал кодексининг 160 моддасидаги зарарларни қоплаш талабини ҳал қилиш номли норманинг мавжудлиги даъвои таъминлаш бўйича кўрилган чоралар натижасида ўзига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш имконини беради.

Мазкур механизм бир қанча Европа давлатларида ҳам мавжуд.

Хусусан, Германия маъмурий суд процесси тўғрисидаги кодекси 123-моддасига асосан агар суд томонидан чиқарилган дастлабки чора бошиданоқ ноқонуний бўлиб чиқса, жавобгар фуқаролик процессуал

кодекси 945-моддасига асосан зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Бу тартиб Россия ҳуқуқ тизимидан ҳам мукамалроқ бўлиб, зарар кўрган томон ариза берувчининг айбини исботлаши шарт эмас, яъни ушбу механизм объектив жавобгарлик (strict liability) тамойили қўлланилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда қуйидагилар таклиф этилади:

1. Дастлабки ҳимоя чорасининг асосиз қўлланилиши натижасида етказилган зарарни қоплаш механизмини жорий этиш.

Яъни, дастлабки ҳимоя чорасини қўллаш учун зарур бўлган **“аниқ хавф”, “қайтариб бўлмас зарар”, “манфаатлар мувозанати”** каби тушунчаларнинг мазмуни ва мезонларини Олий суд пленум қарори орқали аниқлаштириш.

2. Ариза бериш ва кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш.

Яъни, дастлабки ҳимоя чораси тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш муддатини зудлик тамойилига мувофиқ минимал (24–48 соат) муддатларда белгилаш.

3. Германия тажрибаси асосида объектив жавобгарлик (strict liability) тамойилини жорий этиш масаласини қонунчилик амалиётига жорий этиш зарар кўрган томон учун ариза берувчининг айбини исботлаш талаб қилинмаслиги ҳимоя механизмини янада кучайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Bonner A.T. Fuqarolik va arbitraj protsessida bilvosita dalillar: nazariya va amaliyot muammolari // Закон. 2018. № 4. В. 39–55;

2. Селкова А.А. Таъминлов чораларини қўллашда исботлашнинг айрим жиҳатлари // Арбитраж ва фуқаролик протсесси. 2018. № 3. В. 35–37.

3. Paul Craig, “Remedies I: EU”, in *EU Administrative Law*, 3rd ed., Oxford University Press, 2018, pp. 722–757. DOI: [10.1093/oso/9780198831655.003.0024](https://doi.org/10.1093/oso/9780198831655.003.0024).

4. Sándor, L. (2026). *Interim Measures of European Courts in a Comparative Perspective*. CEAClaw. <https://doi.org/10.63189/METI1811>

5. Селкова А.А. Таъминлов чораларини қўллашда исботлашнинг айрим жиҳатлари // Арбитраж ва фуқаролик процесси. 2018. № 3. В. 33–39; Селкова А.А. Россия ва Англия процессуал ҳуқуқида таъминлов чоралари институти. М.: Статут, 2020. В. 8.

6. Erkin Xojiyev, To'lqin Xojiyev. Ma'muriy huquq. Darslik. — T.: «Fan va texnologiya», 2008. — 608 b.